

Ishonch

2019 йил 8 июнь • шанба • № 70 (4199)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Президенти Қозоғистон Парламенти Мажлиси Раисини қабул қилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 июнь кунини Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Нурлан Нигматулин бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, Қозоғистон Парламенти делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беришини алоҳида таъкидлади.

Ўз навбатида, Қозоғистон Парламенти Мажлиси Раиси самимий қабул учун Президентимизга чукчур миннатдорлик билдириб, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломи ва эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда томонлар Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг жорий йил апрель ойида амалга оширган Ўзбекистонга илк давлат ташрифи яқунлари кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш, уни амалий мазмун билан бойитиш борасида ўзаро интилиш қатъий эканини яна бир бор тасдиқлаганини таъкидладилар.

Икки томонлама савдо ҳажми ортиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. 2018 йилда товар айирбошлаш 50 фоиз ўсиб, 3 миллиард доллардан ошди. Яқин йилларда бу кўрсаткичи камида 5 миллиард долларга етказиш вазифаси турибди.

Мамлакатларимиз етакчи компания ва корхоналари иштирокида кооперация асосида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Транспорт соҳасида янги автобус ва темир йўл йўналишлари

очилди, шаҳарлар ўртасидаги авиақатновлар кўпайтирилди, юк ташиш ҳажми ортмоқда.

Худудлараро алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда, маданий-гуманитар алмашинув кенгаймоқда. Ўтган йили Қозоғистонда Ўзбекистон йили муваффақиятли ўтказилди, жорий йилда эса мамлакатимизда тадбирларга бой дастур асосида Қозоғистон йили ўтмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон – Қозоғистон парламентлараро ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Мамлакатларимиз парламентлари кўмиталари даражасида фаол алоқаларни йўлга қўйиш, эришилган келишувларни ўз вақтида амалга ошириш ва янги шериклик лойиҳаларини илгари суриш мақсадида парламентлараро дўстлик гуруҳлари имкониятларидан янада самарали фойдаланиш лозимлиги қайд этилди.

Нурлан Нигматулин Қозоғистон олий қонун чиқарувчи органи парламентлараро муносабатларини янада мустаҳкамлашда, шунингдек, қардош халқларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлигини кенгайтиришга қаратилган ташаббусларни рўйбга чиқаришда ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканини таъкидлади.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Қозоғистон Республикаси сиёсий ҳаётидаги энг муҳим тадбир – жорий йил 9 июнь кунини бўлиб ўтadиган Президент сайлови муваффақиятли ўтишини тилади.

ЎЗА

Худудларда саноатни ривожлантириш ва инвестицион фаолликни ошириш масалалари муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 7 июнь кунини худудларда саноатни ривожлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон ва вилоятларга ташрифлари чоғида қатор корхоналар ишга туширилган, яна кўпларининг тақдимотлари ўтказилган эди. Бундан ташқари, ҳозирда Бош вазир ўринбосари бошчилигида ишчи гуруҳ тузилиб, саноатни нисбатан ортда қолаётган худудлар бўйича кўшимча саноат лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Бу лойиҳаларни инфратузилма қувватлари мавжуд объектлар ва майдонларга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилишда шу борада амалга оширилаётган ишлар Андижон вилояти мисолида таҳлил қилинди.

Мазкур вилоятда саноат диверсификация қилинмагани, ишлаб чиқариш фақат икки тармоқ – автомобилсозлик ва тўқимачиликка боғланиб қолгани қайд этилди. Худудий саноатда банд бўлганларнинг қарийб 60 фоизи, ишлаб чиқариш ҳажмининг 83 фоизи ушбу тармоқлар ҳиссасига тўғри келади. Бўз, Булоқбоши, Избоскан, Қўрғонтепа, Марҳамат, Пахтаобод, Жалақудук, Балиқчи, Улуғнор туманларида саноат яхши ривожланмаган.

Аҳоли зич яшайдиган, ҳар қарич ер олтинга тенг бўлган вилоятда 98 та давлат объекти зарур инфратузилмага эга 90 гектар майдон ва 163 минг квадрат метр бино бўш турибди.

Президентимизнинг бундай бино ва ерлардан самарали фойдаланиб, кўпроқ иш ўрни яратадиган корхоналар ташкил этиш, туманларда саноатни диверсификация қилишга оид топшириғига мувофиқ, Андижон вилоятида 2022 йилгача амалга ошириладиган 236 та янги лойиҳа ишлаб чиқилди. Улар, аввалги лойиҳалар билан қўшиб ҳисоблаганда, яқин уч йилда қарийб 41 мингта доимий иш жойи ташкил этиш ҳамда 1 миллиард 87 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инве-

стицияларни ўзлаштириш имконини беради. Вилоят саноати диверсификация қилиниб, ишлаб чиқариш ҳажми қурилиш материаллари тармоғида 4 баробар, электротехника, чарм-пойабзал ва кимё соҳаларида 2,1 баробар, озиқ-овқат саноатида 3 баробар кўпаяди. Туманлар миқёсида уларнинг саноат салоҳияти анча ошиб, ўзаро тафовут камаяди.

Йиғилишда ҳар бир лойиҳа бўйича амалга ошириладиган тадбирлар ва муддатларни аниқ белгиланган ҳолда, тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш, бўш турган давлат объектларида устувор равишда саноат лойиҳаларини жойлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Андижон вилояти электр энергияси бўйича катта захирага эгаллигини ҳисобга олган ҳолда, қувватларни тўғри тақсимлаб, янги лойиҳаларга етказиб бериш зарурлиги таъкидланди. Саноат лойиҳаларини аниқ молиявий манба-

лар билан таъминлаш, уларга тижорат банклари томонидан хорижий кредит линияларини жалб қилиш бўйича тавсиялар берилди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона водийсида саноат ва тадбиркорликни ривожлантириш учун инвестиция фонди тузилишини таъкидлади. Ушбу фонд фоизли кредитлар ажратмайди, балки лойиҳада ўз маблағлари билан бизнес ҳамкор сифатида иштирок этади. Аҳоли учун муносиб иш ўрни яратадиган, экспорт-боп маҳсулот ишлаб чиқарадиган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу сайёҳ-ҳаракатлар Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларининг ҳар бирида 10 мингта янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Шунингдек, кичик бизнес лойиҳалари учун гаровсиз микрокредит тизимини ривожлантириш мақсадида мувофиқлиги таъкидланди. Шу боис мутасаддиларга халқаро тажриба асосида микромолиялаш хизматини ривожлантириш, бу борадаги чекловларни юмшатиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

2»

Раёсат йиғилиши

лавозимига унинг номзодини қўллаб-қувватлашларини билдиришди.

Раёсат аъзолари томонидан Илҳомидин Шокиров Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари этиб сайланди.

Йиғилишда, шунингдек, жорий йилнинг 22-28 июнь кунлари бўлиб ўтадиган Қасаба уюшмалари ёшларининг «ТЕМП – 2019» Тошкент халқаро форумига тайёргарлик ишлари таҳлил қилиниб, ушбу жараёнда кўзга ташланаётган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли вазифалар белгиланди.

Бундан ташқари, йиғилиш давомида Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Вазирлик кенгаши қарорига асосан «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланган қасаба уюшмалари тизимининг бир гуруҳ вакиллари, хусусан, Темирийўлчилар ва транспорт қурувчилари қасаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Қўлимурот Собиров, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Мавжуда Халилова, Нефть-газ ва геология ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Ғофуржон Ҳамидовга I даражали, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши аппаратынинг ижтимоий суғурта бўлими етакчи мутахассиси Ноиба Нуритдинова, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий химоя масалалари бўйича бош мутахассиси Мамлакат Абдумаликовга II даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонлари тантанали тарзда топширилди.

Йиғилишда Раёсат ваколатига тегишли бошқа қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Раёсат йиғилишида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,
«ISHONCH»



Мирзиёев Шавкат

Муҳим вазифалар муҳокамаси

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Қудратилла Рафиков раҳбарлигида Федерация Кенгашининг Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш кун тартиби бўйича дастлаб ташкилий масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари лавозимига ишлаб келган Илҳомидин Шокировни Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари вазифасига сайлаш ҳақидаги таклиф ўртага ташланди.

Йиғилишда сўз олган Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Абдулла Нугманов, ЎЗКУФ аппарати Аxbорот-таҳлил маркази директори Шоқосим

Шоисломов, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шўхрат Нусратов, Авиация ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Шавкат Мингайиев, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Мавжуда Халилова, Тошкент шаҳар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Сайфулла Аҳмедов ва бошқалар Илҳомидин Шокировдаги раҳбарлик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва инсонийлик фазилатлари ҳақида тўхталиб, раис ўринбосари



Қашқадарё вилояти

Қарши туманида Туморчи деган қишлоқ бор. Ушбу қишлоқ 2017 йилгача «Қоратеп» қишлоқ фуқаролар йиғинига қараган. 2017 йилда «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилиб, унинг таркибига ўтган.

Туморчи ўз тарихига, аъналарига, кўп сонли аҳолида эга қадимий қишлоқ. Бироқ биз бугун қишлоқ урф-одатлари, унинг меҳнатсевар аҳолиси ҳақида эмас, балки худудни қийнаб келаётган долзарб муаммолар ҳусусида сўз юритамиз.

Қишлоққа XX асрнинг 70-йилларида (аниқроғи 1969 йилда) электр таъминоти келган. Худудда яшовчи

«ЧОЛЛАР СИМ ҚОҚДИ»

Ёхуд Туморчининг нуронийлари нега ариза ёзишмоқда?

кексаларнинг айтишича, бу пайтда қишлоқда 30-40 та оила яшаган экан. Орта қолган 50 йил вақт давомида табиийки, аҳоли ва оилалар сонидан тахминан ўн баравар ўсиш қайд этилган. Вақт ўтиши билан ўша даврдан ўрнатилган симёғочлар ва унинг симлари эскириб, трансформатор пункти бир неча бор юкланишга чидамай ёниб кетиб, таъмирлаш ишлари ҳам олиб боришган.

Дам-бадам бўлаётган «авариялар»дан безор бўлган қишлоқ фуқаролари 2014, 2015 йилларда аҳолини ўзгартиришда ёрдам сўраб, юқори ташкилотларга, туман ва вилоят ҳокимлигига ариза билан чиқишади.

Аризага фақат қоғозда жавоб қайтса-ю, бирор амалий иш қилинмагач, нима бўлади? Албатта, муурожаат қилиш жараёнлари давом этади.

Халқ билан мулоқот



БУЮК МЕҲР

...Президентимиз ўз нутқида 156 нафар юртдошимизни Сурияда қуролли можаролар бўлаётган жойдан олиб келиш жуда қийин бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар...

О, Яқин Шарқ... қонига ғарқ, элдош синглим, Буюк меҳр қалқитди-ю дарё кўнелим, Жасоратдан чўчир, ё Раб, ҳатто ўлим, Сени юртга қайтармоқлик қийин бўлди, Битди азоб, гул толеинг тайин бўлди.

Олов сари узанган қўл қўймай қолмас, Доно Сарбон фуқаросин сўймай қолмас, Пўлат қушлар ёнмас бўлди, мисли – олмос, Сени юртга қайтармоқлик қийин бўлди, Кўз ёши – сел, хатар лаҳза сайин бўлди.

Эзгуликка кучоқ очгай ҳатто очун, Ташаккурлар бўлсин дўст-ёр эллар учун! Юрт тупроғин ўлиб, майли, йиғла бу кун... Сени юртга қайтармоқлик қийин бўлди, Диллар тўла меҳр, сўзлар – майин бўлди.

Сен деб ўтга кирган қаро кўзлар ҳақи, Она Ватан ичирган нон-тузлар ҳақи, Тикла қаддине, қувватга тўл, қур ва ўқи! Сени юртга қайтармоқлик қийин бўлди, Битди азоб, гул толеинг тайин бўлди.

Баҳодир ВАЛИЕВ



«Автомобиль транспортида юклари халқаро ташишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

uza.uz

Давлатимиз раҳбари «Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

uza.uz

Президентимизнинг «Тошкент шаҳрида Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети Федерал давлат бюджетли олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида» ги қарори қабул қилинди.

uza.uz

Тошкентда 6 июнь кунини Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ваколатли органлари чегара хизматлари раҳбарларининг еттинчи мажлиси бўлиб ўтди.

uza.uz

2019 йил 7 июнь кунини Сенатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Нигматуллин Йўлдошевнинг Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси раиси Нурлан Нигматулин бошчилигидаги парламент делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди.

Олий Мажлиси Сенатининг ахборот хизмати

Қирғизистон Республикаси ўш шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қирғизистон Республикаси Жогорку Кеңеси ўртасида ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссиянинг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

uza.uz

2019 йилнинг 7 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирини Абдулазиз Комилов Қатар давлатининг давлат лодда ва муҳтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Ҳаммад ал-Хажрийни (қароргоҳи Техрон шаҳрида) қабул қилди.

ufa.uz

Наманган шаҳрида Халқаро инвестиция форуми ва Наманган вилояти ишлаб чиқарувчиларининг миллий кўргазмаси иш бошлади.

uza.uz

Тожикистоннинг бир гуруҳ етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистонга пресс-тур ташкил этилди.

uza.uz

3-6 июнь кунлари Татаристон Республикаси Қозон шаҳрида ўтказилган Рус тили ва адабиёти халқаро фан олимпиадасида юртимизнинг ёш вакили Бобурбек Эгамберганов номинация бўйича ғолибликни қўлга киритди.

uza.uz

Худудларда саноатни ривожлантириш ва инвестицион фаолликни ошириш масалалари муҳокама қилинди

«1

Видеоселектор йиғилишида бўш турган ёки самарали фойдаланилмаётган давлат ва нодавлат объектлари ҳисобини юритиш, улар негизда корхоналар ташкил этиб, иш ўринлари яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Бўш турган бино ва иншоотларни ишга солиш бўйича кўплаб ваколатлар берилганига қарамай, маҳаллий ҳокимликлар ва солиқ идоралари бу борада сезиларли ўзгариш қилмагани танқидий баҳоланди. Ишламай турган иншоотлар ҳудудда барча инфратузилмага эга 22 минг гектар майдон борлиги қайд этилди. Аслида улар саноатни ривожлантириш, иш ўринлари ташкил этиш учун тайёр жой.

Йиғилишда ушбу масала бўйича вазирликлар ва ҳокимликлар олдига турган муҳим вазифалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг таклифлари тингланди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ўзлаштириш ва лойиҳаларни муддатида ишга тушириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати тармоқ ва ҳудудлар кесимида муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг беш ойи мобайнида ҳудудий лойиҳалар доирасида 1,6 миллиард доллар, тармоқ лойиҳалари доирасида қарийб 1 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилгани қайд этилди. Лекин бу белгиланган мўлжалдан кам, айрим вилоятларда ўзлаштириш йиллик режанинг 35 фоизига ҳам етмаган.

Хусусан, Андижон вилоятида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш борасидаги ишлар қониқарсизлиги боис, инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосарлари вилоятдаги саноат тармоқларига масъул этиб бириктирилди. Улар тармоқ бирлашмаларини жалб этиб, бўш турган объект ва майдонлар негизда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича хорижий инвесторлар учун таклифлар ишлаб чиқади. Мазкур таклифлар элчилар билан биргаликда чет элда инвесторларга тақдимот қилинади.

Мутасаддиларга ушбу янги тизимни бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилиш, жой-

ларга чиқиб, хорижий инвесторлар иштирокидаги лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштириш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг чет элга хизмат сафарлари чоғида эришилган келишувлар ижросига ҳам тўхталиб ўтилди. Аксарият келишувлар доирасида инвестицияларни ўзлаштириш бошланган бўлса-да, айримлари ҳозирча қоғозда қолиб кетаётгани танқид қилинди.

Ҳисоб палатаси ва тегишли вазирликларга мазкур келишувларни таҳлил қилиб, истиқболли лойиҳалар доирасида инвестицияларни ўзлаштиришни тезлаштириш вазифаси қўйилди. Худудларда саноатни ривожлантириш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жойлаштиришга маҳаллий ҳокимликлар билан мутасадди вазирликлар бирдек жавобгар экани таъкидланди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари ахборот берди.

ЎЗА

«ТЕМП – 2019»

Касаба уюшмалари ёшларининг «ТЕМП – 2019» Тошкент халқаро форумини ўтказиш бўйича қўрилаган тайёргарлик ишлари қизғин кўриниш олди.

Форумга қизиқувчилар сафи ортмоқда

Форум доирасидаги асосий тадбирлар бўлиб ўтадиган Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Charos» меҳмонхона мажмуасини тadbир руҳига мос равишда бадий-ғоявий безаш ишлари бажарилмоқда. Учрашувлар, саёхатлар ва бошқа тadbирларнинг ташкилий жиҳатларини ҳал қилиш юксак савияда амалга ошириляпти.

Мазкур халқаро форум ҳам Ўзбекистонда ёшларга қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунаси десак, адашмаган бўламиз, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Раҳматилла Қорабобоев.

Ёшларга оид давлат сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш жараёнида аъзоларининг салкам 50 фоизини ёшлар ташкил этувчи мамлакатимиз касаба уюшмалари фаол иштирок этмоқда. Юртимиз касаба уюшмалари ёшларига бошқа мамлакатлардаги тенгдош ҳамкасблари билан фикр ва тажриба алмашиш имкониятининг яратилиши уларнинг замона мос илғор фикрловчи, кенг дунёқарашга эга ва ташаббускор инсонлар бўлиб шаклланишига яқиндан ёрдам бериши, шубҳасиз.

Юртимизда илк маротаба ўтказилаётган ушбу халқаро форумнинг ижтимоий тармоқлардаги тарғиботига жиддий эътибор қаратилмоқда. «Telegram», «Youtube», «Instagram», «Facebook», «ВКонтакте» тармоқларида «ТЕМП – 2019» Тошкент халқаро форумининг саҳифалари очилган. Уларда ҳар кунги форум бошланғичи неча кун қолгани ҳақида эслатмалар, қандай тadbирлар ўтказилиши, уларнинг қисқача мазмун ҳақида тушунчалар бериб бориляпти.

Ижтимоий тармоқлардаги мазкур

саҳифаларга кирувчилар бериб борилаётган маълумотлар билан танишган ҳолда уларга қолдираётган изоҳларда илиқ фикр ва форумга кучли қизиқиш билдираётганларини сезиш қийин эмас.

Форум иштирокчиларини tashkenttemp2019.kasaba.uz сайти орқали онлайн тарзда рўйхатга олиш йўлга қўйилган бўлиб, унга форумда қатнашиш истагида бўлганлар ўзи ҳақидаги барча маълумотларни тақдим этиш имконига эга. Бугунги кунгача мазкур сайт ёрдамида ва электрон ёзишмалар орқали кўплаб мамлакатларнинг ёш касаба уюшма фаоллари бўлган 110 дан ортиқ иштирокчилар рўйхатга олинди.

Эслиб ўтамиз, мазкур халқаро форумнинг ўз олдига қўйган мақсади тadbирга ташриф буюрадиган хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистон касаба уюшмаларининг ёш фаолларини давлатимиз раҳбари томонидан юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш механизмлари, унда касаба уюшмаларининг иштироки, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар, Ўзбекистоннинг ривожланишида муҳим ўрин тутатган корхоналар, миллий маҳсулотларимиз билан таништириш, илмий салоҳиятини намоён этишдан иборат. Шубҳасиз, мазкур нуфузли анжуман ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, турли мамлакатлар ёшларини бирлаштириш ва ижтимоий аҳамиятли лойиҳалар ҳамда дастурларни амалга оширишда ижтимоий ва гуманитар ҳамкорлиқни фаоллаштиришга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

Болажонларга байрам тўхфаси

Кибрай туманидаги Ботаника санаторийсида ҳудуддаги «Ширинтой» номли 47-МТМ тарбияланувчилари ва «Ботаника» маҳалласи болажонлари учун янги қуриб битказилган болажон майдончасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тadbир давомида болажонлар иштирокида концерт намойиш этилиб, викторина уйинлари ўтказилди.

Ҳолиблар совғалар билан тақдирланди.

Севара ЭШОНҚУЛОВА



Тошкент вилояти

Энг намунали бошланғич ташкilot

Муносиблар мукофотланди

Ангрен шаҳар 9-болалар музика ва санъат мактабида «Энг намунали бошланғич ташкilot» кўрик-танловининг Ангрен шаҳар босқичи ўтказилди.



Танловнинг 100 нафардан ортиқ касаба уюшмаси аъзоси бўлган ташкilotлар ўртасида 1-ўринга 17-умумтаълим мактаби (касаба

уюшма раиси Х.Тоҳиров), 100 нафаргача бўлган ташкilotлар ўртасида 1-ўринга 31-давлат мактабгача таълим муассасаси (касаба уюшма раиси М.Иззатиллаева) лойиқ деб топилди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилоятидаги масъул ташкilotчиси Равшанга Газиева танлов иштирокчилари фаолиятига тўхталиб, тизимда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берди.

Танлов ғолиблари ва фаол иштирокчилар шаҳар кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА,
«ISHONCH»

Жиззах вилояти

Кучлилар сараланди

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкilotлари ходимлари касаба уюшмаси Жиззах шаҳар кенгаши томонидан «Энг намунали бошланғич ташкilot» кўрик-танловининг 1-босқичи ўтказилди.

Жиззах шаҳри ҳамда Шароф Рашидов туманидаги тармоқ

таълимга қарашли 21 та бошланғич ташкilotдан 15 таси кўрик-танловга ҳужжатларини топширган бўлиб, баҳолаш комиссияси аъзолари уларни атрофлича ўрганиб чиқди.

Аъзолари сони 100 нафаргача бўлган Шароф Рашидов тумани маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи ҳамда 100 нафардан ортиқ бўл-

ган «Жиззах текстиль» хорижий корхонаси касаба уюшма кўмиталари 1-ўрин соҳиб бўлди.

Ҳолиб ҳамда иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

М.ҚУЛБОВ,
Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкilotчиси

Қашқадарё вилояти

Илғор тажрибалар таҳлили

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкilotлари ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши тизимидаги корхона, ташкilot ва муассасалар ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкilot» кўрик-танловининг 1-босқичи аяқланди.

Танловда 42 та бошланғич ташкilot ҳужжатлари ўрганилди. Унга кўра, аъзолари сони 100 нафаргача бўлган бошланғич ташкilotлари ўртасида вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, аъзолари сони 100 нафардан зиёд бўлган бошланғич ташкilotлар ўртасида вилоят «Сувоқова» ДУК биринчи ўринни эгаллади.

Таълим, фан ва маданият ходимлари тармоғи бўйича Чироқчи тумани ва Қарши шаҳридаги бошланғич ташкilotлар ҳам сараланди.

Чироқчи туманида аъзолари сони 100 нафаргача бўлган 6-ихтисослаштирилган мактаб, 12-умумтаълим мактаби ва 1-мактабгача таъ-

лим муассасаси ҳамда аъзолари сони 100 нафардан ортиқ бўлган 1- ва 2-умумтаълим мактаблари ҳамда Чироқчи иқтисодиёт коллежи касаба уюшма ташкilotлари ғолиб, деб топилди.

Қарши шаҳридаги тармоқ бошланғич ташкilotлари орасидан эса вилоят ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт ўйинлари ва енгил атлетика мактаби ҳамда Қарши давлат 2-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати касаба уюшма ташкilotлари кейинги босқичга йўланмани қўлга киритди.

Акmal АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Фаолиятга берилган баҳо

Қашқадарё вилояти транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси тизими бўйича «Энг намунали бошланғич ташкilot» кўрик-танловининг ҳудудий 2-босқичида 11 та касаба уюшма ташкilotи ҳужжатлари кўриб чиқилиб, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш соҳаларида олиб борилган ишларга баҳо берилди.

Аъзолари сони 100 нафардан зиёд бўлган бошланғич ташкilotлар ўртасида Қамати тумани Ёртепа қурилиш ва саноат касб-хунар коллежи касаба уюшма кўмитаси ғолиб деб топилди. 2-ўрин Қашқадарё йўл қурилиш таъмирлаш унитар корхонаси, 3-ўрин эса Қашқадарё йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси бошланғич ташкilotларига насиб этди.



100 нафардан кам ходимларни бирлаштирган бошланғич ташкilotлар ўртасида Ҳузур қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи касаба уюшма ташкilotи юқори ўринни эгаллади. Қарши транспорт касб-хунар коллежи, «Насиф электромонтаж» масъулияти чекланган жамиятидаги бошланғичлар эса кейинги

поғоналардан жой олди.

Ҳолиблар ва фаол иштирокчилар касаба уюшмасининг ҳуқуқсод дипломлари, эсдалик совғалари ҳамда ташаккурномалари билан тақдирланди.

Боймурод МЕЙЛИЕВ,

Қашқадарё вилояти транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси

Фарғона вилояти

Муҳим мезон

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкilotлари ходимлари касаба уюшмасининг Фарғона вилоятидаги бошланғич ташкilotлари ўртасида ғолибларни аниқлашда меҳнат муҳофазаси, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш, ходимлар учун яратилган меҳнат шароитлари, жамоа шартномасини тузиш қоидаларига риоя этилгани каби жиҳатлар асосий баҳолаш мезони бўлди.

Аъзолари сони 100 нафаргача бўлган бошланғич ташкilotлар ўртасида «Фарғона Чарм Полимер» МЧЖ, аъзолари сони 100 нафардан ортиқ бўлган ташкilotлар ўртасида «INDORAMA KOKAND TEXTILE» МЧЖ қўшма корхонаси касаба уюшма кўмиталари танловнинг

республика-тармоқ босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Зўҳра УМАРҚУЛОВА,

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона шаҳар кенгаши раиси

Биз ва дунё

Таассурот

«Ishonch»ни

Вашингтонда ҳам ўқишади!

Шу йилнинг 20 апрелидан 11 майга қадар бир гуруҳ ҳамкасблар билан Америка Қўшма Штатларида бўлдик. Ҳар кунги бир олам таассуротлар, ҳамкасблар билан учрашувлар, АҚШда бугунги кундаги журналистиканинг аҳоли билан танишиш мобайнида кўплаб маълумотлар олдик.

Албатта, булар ҳақида соатлаб гапириш, ёзиш мумкин. Лекин ҳозир мен ўзимнинг илтимосим билан давлатга киритилган бир манзил — АҚШ Конгресс кутубхонасига борган чоғимизни айтмоқчиман. Гап шундаки, у ердаги қисқа муддатли учрашув чоғида Шарқшунослик бўлими масъул ходимаси бизга бир неча ўзбек тилидаги китоблар ва «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг архивлаштирилган, электрон лентга олинган кассеталарини кўрсатди. Айниқса, ун йилдан зиёд вақт мобайнида ҳар кунги кўрганам — «Ishonch» газетасининг дунёнинг меҳман деган давлати АҚШда ҳам тadbир қилиниши, эътиборга молик манба сифатида сурат шаклига келтирилиб, иккича кассеталарга сақлаб қўйилгани мени ҳаяжонга солди. Гарчи, ҳозир бошқа нашрда фаолият юритаётган бўлсам-да, ҳамкасбларимга мақтанлиб юбордим.

Келганимиздан кейин ҳам менга энг ёққан, таъсирлантирган нарсаси ҳақида сўраганимизда ўша ҳолатни бот-бот эсладим. Бундан ҳозир ҳам фaҳр туйман. Сени бутун дунё ўқишига тилакдошман, қадрдон нашим!

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
журналист

Халқаро танлов

Иқтидор намоиши

Хитойда бир неча йилдан буён анъанавий «Магон ва йўл» халқаро танлови ўтказиб келинмоқда. Чунини шаҳридаги халқаро кўргазма марказида ўтказилган «Халқорлик салоҳияти ва умумий тараққиёт» мавзусидаги бу йилги танловда илк бор Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жамоаси ҳам иштирок этди.

Жаҳоннинг 44 та давлати ва Хитойнинг турли ҳудудларидан келган 698 нафар иқтидор соҳиблари ўз касбий қўникмаларини амалиётга татбиқ этиши баробарида ўзаро тажриба алмашишди.

18 та йўналиш бўйича ўтказилган бу галли танловда юртдошларимиз Отабек Маҳкамов (сартарошлик) ва Шербек Жовлиев (ғишт териш) касб маҳоратини намоиш этди.

Мазкур танлов маҳоратли ёш касб эгаларининг сафи янада кенгайишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Дилфуза ИСМОИЛОВА,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкilotлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши масъул ташкilotчиси


Спорт

Акбаржоннинг уч «олтин»и

Физи ороллариининг Сува шаҳрида бўлиб ўтаётган оғир атлетика бўйича Жаҳон чемпионатида ўзбек ўғлини, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига қарашли Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактаби спортчиси Акбар Жўраев даст кўтаришда 182 кг., силтаб кўтаришда 216 кг. ҳамда икки кураш натижасига кўра 396 кг. натижа кўрсатиб, бира йўла 3 та олтин медални мамлакатимиз ҳисобига қўшиб қўйди.

— Мактабимиз спортчиси Акбар Жўраев кўрсатган натижа касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган ислохотлар, кўрсатилаётган улкан кўмак натижасидир, — дейди Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ходими Гулнора Боботоева. — Келгусида яна Акбаржон ва бошқа спортчиларимизнинг юқори натижаларни қўлга киритиш, юртимиз байроғини баянда кўтаришига ишончимиз. Мусобақа жорий йилнинг 11 июнигача бўлиб ўтади.

Давронбек ОРИПОВ,
«ISHONCH»



«1» 2016 йил 13 август санасида «Қоратеп» ҚФЙ раиси мазкур муаммони ҳал этишда амалий ёрдам сўраб «Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари» АЖ раҳбариятига мурожаат қилди.

Бироқ амалий иш қилинмагач, 7 декабрь 2016 йил санаси билан жамиятга навбатдаги ёзма мурожаат йўлланган. Унга эса қуйдагича жавоб келган:

«...Маҳалла электр таъминотида узиллишлар ва истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозларининг олдини олиш мақсадида ҳудуддаги мавжуд ҳаво электр тармоқларининг ҳолатини яхшилаш мақсадида 2,3 км. узунликдаги очик сим ажратилган.

Бундан ташқари, белгиланган тартибда мавжуд тармоқларнинг ҳолатини яхшилаш мақсадида 2017 йилда режалаштирилган реконструкция ва модернизация ишлари режасига киритиш юзасидан «Қашқадарё ҲЭТ» АЖ маъмурияти томонидан тегишли хизматлар ва «Қарши тумани электр таъминоти» корхонасига кўрсатмалар берилганлиги ҳамда ижроси назоратга олинганлигини сизга билдиради».

ОТИМИЗ АРИЗАЧИГА ЧИҚДИ

– 2017 йилда қишлоғимизга махсус техникалар ёрдамида темир бетон устунлар олиб

Ҳикмат

Қаердаки лоқайдлик – у ерда хато, қаердаки совуққонлик – у ерда жиноят бор.

Г. ЛИХТЕНБЕРГ

келинди ва 13 та симёғоч қадалди ва 700 метр кабелъ тортидди, – дейди шу қишлоқда яшовчи пенсионер, ариза муаллифларидан бири Гулмурод бобо Чалишев. – Аслида эса 20 та устун ўрнатилиб, 1800 метр кабелъ тортилиши белгиланганди. Икки йилки, иш тўхтаб турибди. Биз сўраган трансформатордан дарак йўқ. Кўп жойга мурожаат қилдик. Президентнинг виртуал қабулхонаси, вилоят ҳокимлиги, «Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари» АЖ ва ҳ.к. Улар Президентимизнинг 2016 йил 23 ноябрдаги «2017 – 2021 йилларда паст қучланишли электр тармоқла-

СИМЁҒОЧЛАР ЧИРИМОҚДА


Қишлоқ нурунийлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига аҳволни баён қилиб, 2018 йил 26 сентябрда яна мурожаат қилади. Унга жавобан «Мустақиллик» МФЙ раиси Ш.Товбадалов ҳамда мутахассис Ў.Холов далолатнома тузибди.

Унда шундай дейилган:

«... Мурожаатни жойида келиб ўрганиш натижасида Қарши тумани Ғалабаининг 40 йиллиги кўчасида электр энергияси кўздан кечирилганда электр энергияси билан тўлиқ

«ЧОЛЛАР СИМ ҚОҚДИ»

Ёхуд Туморчининг нурунийлари нега ариза ёзишмоқда?



рини янада модернизация қилиш ва янгилаш дастури тўғрисида»ги қарорига асосан босқима-босқич амалга оширилиши ҳақида жавоб қайтаришди. Демак, 2017 йилда қадала бошланган темир бетон устунларини тўлиқ ўрнатиш, симларини тортиш, трансформатор пункти ажратиш, истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлаш ишлари яна икки йилдан сўнг якунига етаркан-да. Қишлоқдошим, 80 ёшли Бекбўт бува Элатов билан отимиз аризачига чиқди. Олти йилдан бери эл учун югурамиз.

таъминланганлиги ҳамда бетон устунлар ўрнатилганлиги аниқланди».

– Дарҳақиқат, хонадонимизга кўчамизда эски бетон симёғочлардан ток тортиб олинган. Аммо уларнинг ҳам бетони емирилиб, ичидаги арматуралари очилиб ётибди, – деди Гулмурод бобо. – Шамол бўлиб, сими узилса ёки қисқа туташув бўлса, ингичкалашиб, яроқсиз бўлиб қолгани учун темир бетон устунга ҳатто монтерлар ҳам чиқишмайди. Ёғоч симёғочларимиз ҳам чириб, тамом бўлган. Бирор қор-ҳол бўлса, уларга монтерлар чиқолмайди. Аксинча,

«Жонимдан тўғимни йўқ. Юқори ташкилотларга айтишлар, симёғочларни алмаштириб беришсин» дейишади.

ҚҲЙИМНИ ТОК УРИБ, ЎЛДИРДИ

– Уйимга қўшниларнинг уйи устидан сим тортилган, – дея суҳбатга қўшилди 80 ёшли Бекбўт бобо Элатов. – Бир кунимиз сим узилиб кетиб, ҳовлига тушди ва қўйимни ток уриб, ўлдирди. Худо кўрсатмасин, сим бирорта боланинг устига тушганида кимни айбдор қиларди. Электр сими аксарият уйларнинг устидан ўтган. Бу уй ва шу уйларида яшовчи аҳоли ҳаёти хавфсизлиги талабларига умуман жавоб бермайди. Ёки қўшнимиз Ўқтамжон, тўрт-беш йилдан буён уй қуролмайди. Чунки, уй устидан қўшниникига электр сими ўтган. Узса, қўшнилар токсиз қолади. Базўр чидаб, кутиб юрибди. Баъзида қўшнилар жанжаллашиб ҳам қолишди. Бундай ноҳушлиқлар 2021 йилгача кутиб тура оладими? Шунинг учун юқори ташкилотларга қайта-қайта хат ёзмокдаимиз.

«ЧАРОҒОН ҲАЁТ ОРЗУМИЗ»

– Уйимизга тортиб келинган электр симларимизни кўриб, ҳайрон бўлманг, – дейди шу қишлоқда яшовчи Хуршида Аҳмедова. – Ингичка-ингичка таёқларни қадаб, ток олиб келганмиз. Шамол бўлса, қўлбола симёғочлар синиб, симлари туташиб, туташув оқибатида телевизорларимиз куйиб кетяпти. Қанийди бизнинг қишлоғимизда ҳам электр таъминоти бўйича ишлар охирига етказилиб, уйларимиз чароғон бўлса.

– Ишонасизми, юкланиш кўплигидан, чироқларимиз жуда хира ёнади, – Дилноза Ҳакимова. – Баъзан ёруғлик етишмаганидан ҳам чироқ (свет), ҳам шам ёқиб ўтиради. Биз ҳам чароғон уйларда ҳаёт кечирсак. Бу бизнинг орзумиз.

Хуллас, бу – Туморчи қишлоғидаги аҳвол. Умид қиламизки, бу ҳудудда ҳам Президентимиз қарорига асосан амалга татбиқ этилаётган ишлар муваффақиятли шжро этилиши ва давлат ташкилотларининг халқ розилигига, ишончига эришишига эришилади. Ҳамма гап, мутасаддиларда.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Қайси таълим муассасасида ўқитиш тизими яхши йўлга қўйилган бўлса, табиийки, унда ўқишни истовчилар кўп бўлади. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги «International house» академик лицейи ана шундай муассасалардан бири.

Лицей директори Алишер Тиллаевнинг маълум қилишича, шу вақтга қадар ушбу таълим муассаси ўқувчиларининг қарийб тенг ярами 124 та нуфузли халқаро университетга ўқишга қабул қилинган. Улар орасида Оксфорд, Харвард, Кембриж каби олий таълим даргоҳларининг борлиги лицей жамоасининг ютуқлари кўламини нечоғлик юқори эканидан далолатдир. Лицейда илгари «Аниқ фанлар ва иқтисодиёт», «Аниқ фанлар (техника)», «Ижтимоий гуманитар» йўналишлари бўйича таълим берилган. Янги ўқув йилидан бошлаб Москва давлат халқаро муносабатлар институти академик лицейи билан ҳамкорликда «Халқаро иқтисодий муносабатлар» ва «Халқаро ҳуқуқ» йўналиши ҳам очилди. Эндиликда лицей битирувчилари Россия таълим муассасаларига ўқишга киришда россиялик ўқувчилар билан тенг имтиёзларга эга бўлади. Ҳозирги пайтда лицейда юртдошларимиз билан бир қаторда юз нафардан зиёд хорижий давлат фуқароларининг фарзандлари ҳам тахсил олмоқда.

«АҚЛИ» СИНФЛАР

Лицейда замонавий таълим технологиялари жорий этилган. Ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда тахсил олади. Эътиборли жиҳати шундаки, мутахассисликка оид фан-

лар инглиз тилида ўқитилади. Бу ерда Марказий Осиёда ягона бўлган таълим бериш сифатини ҳолис текшириш имкониятини ўзида жамлаган «Smart Class», яъни «Ақли синфлар» мавжуд. Бундай синфларда ўқувчи-

ойгача муддатда қўшимча дарс ўтилади. Бу муҳлат қоқоқ ўқувчининг илгор тенгқурларига етиб олиши ва фанни чуқур ўзлаштиришига хизмат қилади.

Бундан ташқари, лицейда ҳафтада бир марта жаҳонга машҳур олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари дарс ўтади. Ўқувчилар улар орқали хориждаги олий таълим муассасалари ҳақида

чилар халқаро тоифадаги «IELTS», «CEFR», «TOEFL» сертификатларига эга бўлиши мумкин.

ШАФФОФ ҚАБУЛ ЖАРАЁНИ

Лицейда талабгорларга қабул жараёни ҳақида йил мобайнида маълумот бериб борилади. Имтиҳондан ўтиш учун ариза билан мурожаат қилган ўқувчи биринчи босқичда ота-оналари гувоҳлигида онлайн тарзда ижодий имтиҳон топширади. Бу жараёнда суҳбат орқали талабгорнинг билим даражаси аниқланади. Яхши натижага эришганларга тест синовларини топширишга рухсат берилади. Лицейдаги 180 та кузатув камераси орқали дунёнинг исталган жойидан бу жараёни онлайн тарзда кузатиш мумкин.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Замонавий моддий-техник базага эга бўлган лицей бир неча йилдан буён юртимизда ўтказилаётган нуфузли халқаро фан олимпиадаларига мезбонлик қилиб келмоқда. Бу эса лицей ўқувчиларига шу ернинг ўзида билимларини синаб кўриш ва хориж университетлари талабаси бўлиш имконини беради. Жорий йилнинг ўтган даврида бу ерда 8 та таълим муассасасининг қабул ва олимпиада имтиҳонлари ўтқа-

Таълим инновациялари

зилиб, ўзаро тажриба алмашилди. Бу эса турли халқаро таълим грантлари лойиҳаларини амалга оширишда кўл келмоқда. Ҳар йили икки юз нафарга яқин ўқувчи ана шундай грант лойиҳалари асосида хориждаги қишқир-ёғир ўқув лагерларига юборилаётган. Таълим грантларини қўлга киритган ўқувчилар АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг нуфузли университет ҳамда олий мактабларида бепул таълим олиш, тажриба ошириш имкониятига эга бўлади. Лицейда инвестор ва ҳамкорларни ҳимийликка жалб этишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ҳимийлик маблағлари чет элда таълим олишга молиявий имконияти йўқ, лекин кучли билимга эга бўлган ўқувчиларни хорижга жўнатишга сарфланади. Масалан, Хитойнинг йирик «Huawei» компанияси билан ўрнатилган ҳамкорлик натижасида бир қанча ўқувчилар нуфузли хорижий ўқув муассасаларида таълим олмоқда. Улар ўқишни тугатгандан кейин ушбу компанияда ишлаши мумкин.

МАҚСАД – ИЗЛАНИШ

Жамият тараққиётини таълим-тарбия таъминлайди. Бу аллақачон исботини топган ҳақиқат. «Интилганга толе ёр» шioriга қатъий амал қилаётган лицей жамоаси юртимиз салоҳиятини юксалтириш йўлида изланишмоқда. Бу тез орада ўз мевасини бериши тайин.

Озода РЎЗИҚУЛОВА,
«ISHONCH»

Орзулар рўёбига йўл



лар фанлар бўйича якуний назоратларни ўқитувчига эмас, балки технологик дастурлар орқали топширади. Ўзлаштириш даражаси паст бўлган ўқувчиларга бир ойдан уч

ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олади. Дунё таълим рейтингига кучли юзталикка кирган таълим муассасаларининг юқори малакали ўқитувчиларида таълим олган ўқув-

Гулистон шаҳридаги газ таъминоти идораси ёнида савдо-сервис дўкони иш бошлади. Табиий газдан заҳарланишнинг олдини олиш, газни тежаш, фуқароларга қўлай ва арзон хизмат кўрсатишни мақсад қилган ушбу лойиҳа республикада илк маротаба йўлга қўйилди.

Хавфсиз, тежамкор ва қўлай

Бу ерда харидорларга маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда хорижий тизимга тааллуқли маҳсулотларни тақдир этилади. Жумладан, газ қувурлари, иситиш қозонлари, газ ёндиргичлари, плиталар, ҳисоблагич, зарурий деталларни шу ердан топишнинг мумкин.

Лойиҳанинг мақсади, аввало, фуқаролар хавфсизлигига қаратилган бўлиб, билиб-билимай кафолатланмаган, давлат стандартдан ўтмаган ускуналарни турли жойлардан харид қилинишининг олдини олади.

Қисқа фурсатда барча ҳудудларда истеъмолчилар учун газ жиҳозлари марказлари омма-лаштирилади. Яна бир жиҳат, онлайн тўловда харид қилинган маҳсулот истеъмолчи хонадонига газ таъминоти ходими томонидан ўрнатиб берилади ва тизимли хизмат кўрсатиб борилади. Шу билан қифояланмай, мутахассислар маълумотлар базасига киритилган бу жиҳозларни онлайн тарзда мониторинг қилиб боришади.

Сервис дўкон очилиш маросимида мутахассислар иситиш қозонларининг эски горелкасини автоматлаштирилган турига алмаштириб, газ сарфини 40 фоизга камайтириш мумкинлигини таъкидлашди.

– Қиш мавсумида эски газ горелкаларидаги ойлик газ сарфи 650 куб метр, янгиларида эса 340 куб метрни ташкил этади, – дейди «Ўзтрансгаз» АЖнинг меҳнат муҳофазаси бўлими ходими Воҳид Урозов. – Шундан кўринадики, ойлик газ иқтисоди 310 метр кубга тенг.

Соҳада олиб борилган таҳлил-

Янги лойиҳа

лар кўплаб хонадонларда ҳамон носоз, саломатлик учун хавфли бўлган газ жиҳозлари ишлатиб келинаётганини кўрсатмоқда. Истеъмол муддатини ўтаб бўлган газ ёндиргичлари газни кўп миқдорда сарф қилиши билан бирга, хонага газ сизиб чиқиши, ис газининг тўпланиши билан инсон учун хавфли саналади. Газ жиҳозлари савдосига мўлжалланган дўконлар фаолиятининг йўлга қўйилиши эса бу борадаги муаммоларга ечим бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шу кунги дўконнинг илк харидори бўлган Нуриддин Ҳайдаров хонадонига мутахассислар тежамкор газ ёндиргичини ўрнатиб беришди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»

Журналнинг янги сони



Ҳамкорликнинг олтин халқалари

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг янги сони наشرдан чиқди.

Журналнинг мазкур сони Германия Федератив Республикаси ташкил этилганлиги ва ГФР Ассосий Қонуни қабул қилинганлигининг 70 йиллигига бағишланган. Мазкур нашрда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги яқин ҳамкорлик алоқаларининг ўзига хос томонлари ва бугунги аҳволи, ушбу давлат қонунийлиги ва ҳуқуқий тажрибаси хусусида сўз юритувчи мақолалар ўрин эгаллаган.

Тахрир ҳайъати томонидан тайёрланган «Ўзбекистон – ГФР: қалин шериклик, ишонарли ҳамкорлик» сарлавҳали мақолада Германия давлатчилиги ва ҳуқуқий тизими ҳақида маълумот берилиб, давлатларимиз ўртасида йўлга қўйилган кўп томонлама манфаатли ҳамкорлик қирралари очиб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Набижон Қосимовнинг «Ўзбекистон – Германия: ҳамкорликнинг янги уфқлари» сарлавҳали мақоласида икки томонлама алоқаларнинг ривожланиш тенденциялари ва ўзаро ҳамкорликнинг бугунги кундаги ҳолати ҳамда истиқболлари хусусида сўз юритилган.

ГФРнинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Понтер Лео Оверфельднинг «Ўрта Осиёнинг юрагидадир ипак йўли тизилган дурдай...» сарлавҳали мақоласида немислар ва ўзбеклар ўртасидаги алоқалар тадрижий давом этиб келаётгани, унинг бугунги босқичи, бу жараён энг юқори сиёсий даражада ҳамда узвий кетма-кетликда амалга оширилаётгани қайд этилади.

Шунингдек, ҳуқуқ соҳасида Фридрих Эберт жамғармасининг эксперти доктор Герд Беллингнинг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар устидан жамоат экспертизасини ташкил этиш ва ўтказишни қонунийлик билан тартибга солиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича Германия тажрибаси», юридик фанлар доктори, академик Акмал Саидовнинг «ГФР Ассосий қонунининг ғоявий қадриятлари ва аъёнлари», Регенсбург университети (ГФР) ҳуқуқий фанлар факультети илмий ходими, ҳуқуқ фанлари доктори Андрей Румянцевнинг «Немис жамияти, давлати ва ҳуқуқий асоси» ва бошқа муаллифларнинг мақолаларида ҳам Германиянинг ҳуқуқий ва ижтимоий соҳалардаги ўзига хос ютуқлари, мамлакатларимиз ўртасида ривож топаётган ҳамкорлик алоқаларининг асосий йўналишлари акс эттирилган.

Шахло АБДУЛЛАЕВА

Эълонлар

Сирдарё вилояти



Гулистон шаҳридаги газ таъминоти идораси ёнида савдо-сервис дўкони иш бошлади. Табиий газдан заҳарланишнинг олдини олиш, газни тежаш, фуқароларга қўлай ва арзон хизмат кўрсатишни мақсад қилган ушбу лойиҳа республикада илк маротаба йўлга қўйилди.

Хавфсиз, тежамкор ва қўлай

Бу ерда харидорларга маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда хорижий тизимга тааллуқли маҳсулотларни тақдир этилади. Жумладан, газ қувурлари, иситиш қозонлари, газ ёндиргичлари, плиталар, ҳисоблагич, зарурий деталларни шу ердан топишнинг мумкин.

Лойиҳанинг мақсади, аввало, фуқаролар хавфсизлигига қаратилган бўлиб, билиб-билимай кафолатланмаган, давлат стандартдан ўтмаган ускуналарни турли жойлардан харид қилинишининг олдини олади.

Қисқа фурсатда барча ҳудудларда истеъмолчилар учун газ жиҳозлари марказлари омма-лаштирилади. Яна бир жиҳат, онлайн тўловда харид қилинган маҳсулот истеъмолчи хонадонига газ таъминоти ходими томонидан ўрнатиб берилади ва тизимли хизмат кўрсатиб борилади. Шу билан қифояланмай, мутахассислар маълумотлар базасига киритилган бу жиҳозларни онлайн тарзда мониторинг қилиб боришади.

Сервис дўкон очилиш маросимида мутахассислар иситиш қозонларининг эски горелкасини автоматлаштирилган турига алмаштириб, газ сарфини 40 фоизга камайтириш мумкинлигини таъкидлашди.

– Қиш мавсумида эски газ горелкаларидаги ойлик газ сарфи 650 куб метр, янгиларида эса 340 куб метрни ташкил этади, – дейди «Ўзтрансгаз» АЖнинг меҳнат муҳофазаси бўлими ходими Воҳид Урозов. – Шундан кўринадики, ойлик газ иқтисоди 310 метр кубга тенг.

Соҳада олиб борилган таҳлил-

Янги лойиҳа

лар кўплаб хонадонларда ҳамон носоз, саломатлик учун хавфли бўлган газ жиҳозлари ишлатиб келинаётганини кўрсатмоқда. Истеъмол муддатини ўтаб бўлган газ ёндиргичлари газни кўп миқдорда сарф қилиши билан бирга, хонага газ сизиб чиқиши, ис газининг тўпланиши билан инсон учун хавфли саналади. Газ жиҳозлари савдосига мўлжалланган дўконлар фаолиятининг йўлга қўйилиши эса бу борадаги муаммоларга ечим бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шу кунги дўконнинг илк харидори бўлган Нуриддин Ҳайдаров хонадонига мутахассислар тежамкор газ ёндиргичини ўрнатиб беришди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»

Тошкент вилояти Янгийўл тумани ХТБ тасарруфидagi 10-умумтаълим мактаби томонидан 2006 йил 20 июнда Мухамедов Акримжон Икромович номига берилган 2162006-сонли шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Янгийўл тумани «Тинчлик» ҚФЙ «Қоратеп» маҳалласидаги рақамсиз уй учун Зиёева Гулбахор Махмуджановна номига берилган ТОО202918 рақамли кадастр гувоҳномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Андижон вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси Жалақудук тумани кенгаши раиси

Махмуджон МАМАЖОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.

Тошкент
шаҳри

Игорь ХАСАНОВ олинган сурат

Ибратхона сабоқлари

Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий «Театр – бу ибратхонадур» дея ушбу маданият гўшасининг маърифат улашувчи восита эканини таъкидлаган эди.

Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касабаси Республика кенгаши томонидан ташкил этилган «Инсон маънавиятини камол топтиришда театрнинг ўрни» мавзусидаги маънавият соатида ҳам ана шу жиҳатга эътибор қаратилди. Ўзбекистон халқ артистлари Эркин Комилов, Аваз Ражабов, элимиз суйган актриса Дилноза Кубаева билан кечган қизиқарли мулоқотда тармоқ касабаси уюшма республика кенгашлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмаларининг раҳбар ҳамда ходимлари иштирок этди.

Жумладан, таниқли санъаткорлар театр-

нинг жамиятимиз, инсон ҳаётидаги ўрни, ҳозирги кунда давлатимиз раҳбари, ҳукуратимиз томонидан театрга берилаётган эътибор ҳамда бевосита ўзлари ижро этган ролларига тўхталдилар. Саҳна асарларидан ижро этилган парчалар, айниқса, Ўзбекистон давлат академик катта театри актёри Аваз Ражабов ижросидаги опера намуналари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Назозат НУРМАТОВА,
Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касабаси уюшмаси Республика кенгаши ишлар бошқарувчиси

Самарқанд
вилояти

Тадбир



Соғлом ҳаёт гарови

Дунёда бебаҳо неъмат саналмиш саломатликнинг асосий посбони спорт саналади. Жисмоний чиниқиш орқали тана дардан фориғ, руҳ енгил бўлади, ирода кучаяди. Самарқандликлар ҳам «Спорт ойлиги» доирасида саломатликка хизмат қилувчи воситалардан унумли фойдаланишга интилоқда.

Хусусан, олис, ўрта масофалар бўйича юриш марафонлари, ҳаваскор веломарафончилар баҳси, куллас, спортнинг барча турлари имкониятлари ишга солинаётир.

– Меҳнат жамоалари, улғайиб келаётган ёш авлод вакиллари, барча-барчани жисмоний чиниқишга жалб этишга ҳаракат қиляпмиз, – дейди вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов. – Шаҳарда бошланган бу ташаббус туманлар, энг чекка қишлоқларга кириб бориши таминланмоқда.

Касабаси уюшмалари ташаббуси билан ўтказилган минифутбол мусобақалари ҳам иштирокчилар ва мухлисларда

катта таассурот қолдирди. Вилоят корхона ва ташкилотлари раҳбарлари, ходимларидан иборат 18 та футбол жамоаси биринчилик учун беллашишди.

Уюшқорлик, ҳар ўйинда яқинлигини намойиш этган вилоят инкассация бошқармаси жамоаси мусобақанинг мутлақ ғолиби, деб топилди. Бир қатор номинациялар бўйича ҳам ўз маҳоратини намойиш этган ҳаваскорларга касабаси уюшмалари совринлари топширилди.

Корхоналарда ишловчи аёллар эса спортнинг бадминтон тури бўйича ўзларини синаб кўришди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Қашқадарё
вилояти

Спортни севган кам бўлмас

Қарши муҳандислик иқтисодий институтида «Саломатлик» спартакиадаси ўтказилди.

Қашқадарё вилояти транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари бирлашган касабаси уюшма қўмитаси тизимидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларни соғломлаштириш ва мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш мақсадида ташкил этилган мусобақада 14 жамоанинг 238 нафар аъзоси армрестлинг, тош кўтариш, енгил атлетика, арқон

тортиш ва мини-футбол турлари бўйича қизгин беллашишди. Умумжамоа ҳисобида 1-ўрин фўзор қурилиш касб-хўна қоллежи, 2-ўрин Қашқадарь қурилиш ва хизмат кўрсатиш ҚХҚ, 3-ўрин эса Чироқчи Бешчашма қурилиш касб-хўна қоллежи жамоасига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар касабаси уюшмасининг дипломи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

«Ishonch»
кўзгусидаСирдарё
вилояти

35 метрли байроқ

Сирдарё вилоятидаги улкан байроқ Шириш шаҳрида хилпирай бошлади. Давлат рамзининг баландлиги 35 метр, ҳажми 12 метрга 6 метрни ташкил этади. У шаҳарнинг бош майдонига ўрнатилди.

Имконсизликдан имкон топиб

«Ёш китобхон» республика танловининг Бобутов тумани саралаш босқичида 9-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Севинч Ғайбуллаева ҳам иштирок этди. Севинч кўзлари ожиз бўлишига қарамай кўглаб китобларни ўқиган. Шу боис ҳам юқори натижа кўрсатиб, навбатдаги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Халқаро фестивал ғолиби

Ўзбекистон давлат филармонияси қошидаги «Сирдарё наволари» рақс ансамбли Жанубий Кореяда ўтказилган халқаро санъат фестивалида биринчи ўрин соҳиби бўлди. Рақс дастаси 2001 йилда ташкил этилган бўлиб, шу йиллар давомида кўглаб мамлакатларга ижодий сафар қилган. Ансамблининг «Гилам», «Сават» номлидаги рақслари машҳур.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»

Фарғона
вилояти

Ҳикмат

**Оз-оздан ўрганиб доно бўлур.
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.**

Алишер НАВОЙИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан миллий ва жаҳон адабиётининг сара намуналари ортилган китоб карвони Фарғонага кириб келди. Бу эса вилоят ёшлари учун катта байрамга айланиб, карнай-сурнай садолари остида кўтиб олинди.

Маънавият карвони

– Китоб – инсоннинг қалб гавҳари, тафаккур хазинаси, маънавияти ва дунёқарашини юксалтирувчи муҳим манба. Китобли уй ҳамиша ёруғ бўлади, – дейди ТАТУ Фарғона филиали қошидаги академик лицей ўқувчиси Мадина Мўйдинжонова. – «Фарғона вилоятига китоб карвони» шiori

остидаги карвон бугун таълим даргоҳларига, ёшлар қалбига маънавият нуруни етаклаб келди.

Маънавият карвонига ортилган китоблар Меҳрибонлик ва «Мурувват» уйларида тўхфа қилинди. Шунингдек, вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ҳудудларда ташкил этилган 66 та

янги кутубхонага, маҳалла ва таълим муассасалари кутубхоналарига, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ёш китобхон», «Китобхон оила», «Китобхон маҳалла» кўрик-танловлари ғолибларига тақдим этилмоқда.

Жамшид ЭРТАШЕВ,
«ISHONCH»

Қонунчиликдаги янгиликлар

«Чироқ пули»: тўлашга улгурмаганлар нима қилади?

2021 йил 1 январга қадар куннинг ёруғ вақтида яқинни ёритувчи ёки кундузги сигнал чироқларини ёқиб ҳаракатланиши шартлиги бўйича талаб автоматик ёниб турувчи кундузги сигнал чироқлари билан жиҳозланган автомобилотранспорт воситаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Бу ҳақда Адлия вазирлиги томонидан қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида «Қонунчиликдаги янгиликлар» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муносабати билан ўтказил-



ган анжуманда ишлаб чиқарувчиларга бу борада қатъий талаб қўйилиши айтиб ўтилди. Яъни 2020 йил 1 январдан мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган барча автомобилотранспорт воситалари ички бозорга ишлаб чиқарувчи томонидан автоматик ёниб турувчи кундузги сигнал чироқлари билан жиҳозланган ҳолда чиқарилади.

Чет элдан импорт қилинадиган автомобилотранспорт воситаларида кундузги сигнал чироқларининг мавжудлиги серти-

фикациядан ўтказиш учун мажбурий техник талаб сифатида белгиланади. Импорт автомобилларнинг ҳам шундай автоматик ёнадиган чироқлари бўлмаса, мамлакат ичкарисига олиб кирилишига рухсат берилмайди.

Айтиш жоизки, куннинг ёруғ вақтида транспорт воситалари ташкилий жамланма сафида ҳаракатланаётганда, йўловчиларни ташиётган автобус ва йўналишли транспорт воситаларида, болалар гуруҳини ташкилий ташишда, ҳавфли, катта ўлчамли ва оғир вазини юкларни ташишда, механик транспорт воситаларини шатакка олишда (шатакка олиб кетаётган транспорт воситасида), мотоцикл ва мопедларда яқинни ёритувчи чироқлар ёқилиши керак.

Анжуманда айтилган вақтгача мазкур қарор юзасидан маъмурий жавобгарликка тортилган ҳайдовчиларга пули қайтарилмаслиги, аммо баённома расмийлаштирилиб, тўлашга улгурмаганлар учун бу баённома бекор қилингани алоҳида таъкидланди.

Ўз мухбиримиз



Ўз мухбиримиз

«Терминатор» продюсери Ўзбекистонда

АҚШлик машҳур продюсер Лоуренс Касанофф Ўзбекистон миллий кинокомиссияси аъзолари ҳамроҳлигида Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларини ўзининг навбатдаги фильми учун жой танлаш мақсадида кўздан кечирди.

Йўлга қўйилаётган ҳамкорлик натижасида юртимизда Ҳолливуд блокбастерининг бир қисmini суратга олиш ишлари бўлиб ўтиши кутилмоқда. Ўзбекистон миллий кинокомиссияси АҚШлик киноижодкорларнинг юртимизда мазкур фильмини тасвирга олишини ташкил қилиб, бу жараёнда тўлиқ қўмак кўрсатади.

Айтиш жоизки, Лоуренс Касанофф «Mortal Combat» франшизаси асосчиси, «Терминатор», «Лего-юлдузлар жанги» каби фильмлар продюсеридир. У «Terminator 2: Judgment Day» (Терминатор 2: Қиёмат куни) картинаси учун Оскар мукофотида сазовор бўлган. Арнольд Шварценеггер бош қаҳрамон ролини ижро этган ва Джеймс Кемерон

режиссёрлик қилган «True Lies» (Чин ёлгонлар) фильмида ижрочи продюсер вазифасини бажарган.

Лоуренс Касанофф 1990 йил кинорежиссёр Джеймс Кемерон билан биргаликда «Lightstorm Entertainment» кинокомпаниясига асос солади. Ушбу кинокомпания шу кунгача «Титаник», «Аватар» сингари фильмлар продюсерлиги билан шуғулланган. У 200дан ортиқ фильмлар яратилишида иштирок этиб, киносиндусида миллиард доллардан ортиқ маблағга эга бўлган.

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.



Бош муҳаррир
Хўсан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касабаси уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзиллими:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Тўрмон кўчаси, 41-уй.
Баҳоси келишилган нархда.

Тахририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001.

АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги мухбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нўқтаси назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

С. Абдурахмонов

Мусахҳиҳ:

З. Исмомов

Саҳифаловчи:

Х. Абдужалилов

ЎЗА яқини – **00:40**

Топширилди – **01:20**

Газета офсет усулида,

A-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табақ,

Буюртма Г – **617.**

30082 нускада босилди.

Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5